



АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ, ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

PhD, профессор Бозоров Акмал Амонович,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон, Email: akmaljon.amonovich@mail.ru

ORCID:0000-0003-3186-519X

ANALYSIS OF THE REAL STATE OF INCOME OF THE POPULATION, SOURCES OF THEIR FORMATION AND TAXATION

PhD, professor Bozorov Akmal Amonovich,

University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan, Email: akmaljon.amonovich@mail.ru

ORCID:0000-0003-3186-519X

Аннотация: Ушбу мақолада, аҳоли даромадлари таркиби, жисмоний шахснинг умумлашган йиллик даромадининг ташиқ топиши, сўнги йилларда Ўзбекистонда аҳоли даромадлари таркибининг ўзгариш тенденцияси тадқиқ этилиб, даромад солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг иш ҳақи даражасининг динамикаси, Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўловчилар сони, солиқ миқдори ва уларнинг давлат бюджетига даромадлари таркибидеги улуши таҳлил қилинган. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг даромадларини, жумладан солиқ тўловчиларнинг мулкида бўлган турар жойларни сотиш натижасида оладиган даромадларини солиққа тортиш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract: This article deals with the study of real incomes of the population, the formation of the total annual income of individuals, changes in trends in the composition of income of the population of Uzbekistan in recent years, the analysis of the dynamics of the salary level of individuals paying income taxes, information about the number of taxpayers in Uzbekistan, the amount of tax and the share of income from the state budget. It has

developed proposals and recommendations on the taxation of personal income received as a result of the sale of real estate.

Калим сўзлар: солиқ, жисмоний шахс, даромад, аҳоли даромадлари, аҳоли жон бошига даромадлар, аҳоли реал даромадлари, мулкий даромад, ижтимоий трансфертлар, иш ҳақи, моддий наф, мол-мулк реализацияси.

Keywords: tax, individual, income, income of the population, income per capita, real income of the population, own income, social transfers, wages, material benefits, sale of property.

Ўзбекистонда бугунги кундаги иқтисодий ислохотларга мос равишда солиқ тизимида чуқур ўйланган чоратадбирлар, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда фуқароларнинг даромади қанчалик юқори бўлса, ўша мамлакатда иқтисодий-ижтимоий юксалишга эришилади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган Фармонларидан [1] келиб чиқиб, ҳаётга татбиқ этилаётган янги Ўзбекистоннинг

тараққиёт стратегиясига асосан “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баробар қисқартириш” масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги бугунги кундаги долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро мамлакатимиз Президенти “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” [2] деган ғояни илгари сурганлари бежиз эмас.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолининг реал даромадларини тобора кўпайтириб бориш масалалари ҳар доим ҳам давлатимизнинг диққат марказида туради. Чунки, жаҳон тажрибасидан маълумки, аҳоли даромадининг йиллар давомида ортиб бориши билан бир қаторда бозорда истеъмол товарларининг нархи назорат қилиниши уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс меҳнат қилиш ва шу қилинган меҳнати эвазига маълум даромад олиш ҳуқуқига эга.

Зеро, мамлакатимиз Президенти, “Самарали меҳнат учун зарур шарт-шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг

барчаси иқтисодий соҳадаги ислоҳотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир. Шу борада нафақат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади [2]” дея таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, муносиб турмуш даражасини таъминлаш ва ходимга ишлаган вақти учун муносиб ҳақ тўланиши лозим. Бундан ташқари иш вақтидан ташқарида бажариладиган ишлар, қўшимча ишлар учун ҳам рағбат ва моддий таъминот берилиши иш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.


Материал ва метод. Аҳоли даромадлари тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, барча аҳолига тегишли бўлган пул ва натурал (маҳсулот шаклида) тушумлар ҳамда кўрсатилган хизматлар суммаси аҳоли даромадларини ифода этади [24] –. Аҳолининг жами турдаги даромадлари манбаи — иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар, мукофот, фойда, дивиденд, заём ва лотерея ютуғи, банк тўлаган фоиз пули, кўчмас мулкдан келган рента тўлови ва ижара пули, суғурта қопламалари каби даромадлардан иборат.



1-расм. Аҳоли даромадлари таркиби [4]

Бозор шароитида Аҳоли даромадларининг энг катта қисми пул шаклига эга. Қишлоқ аҳолиси ўзининг томорқа хўжалигидан ҳам маҳсулот олиб даромад кўради ва у натурал даромадга киради. Шунингдек, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига бепул маҳсулот берилади ва хизматлар кўрсатилади (бепул овқатланиш, кийимкечак, доридармон, транспорт ва коммунал хизмати ва х. к.); булар натурал

даромадлар ҳисобланади. Аҳоли даромадлари номинал ва реал даромадларга бўлинади. Номинал даромад аҳоли муайян пул суммаси шаклида олган даромад бўлиб, инфляция таъсирида унинг харид қобилияти пасайиши мумкин. Реал даромад — пул шаклидаги даромадга амалда қандай миқдорда истеъмол буюмлари ва хизматлар харид этиш мумкинлигини кўрсатади [24].



2-расм. Жисмоний шахснинг умумлашган йиллик даромадининг ташкил топиши [5]

Иқтисодий адабиётларда аҳоли даромадлари таркибини ўрганишда турли қарашлар мавжуд. Назарий адабиётларда аҳоли даромадлари таркиби тўртта гуруҳга ажратилади: корхонадан оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлар, ижтимоий трансфертлар, тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар ҳамда омонат ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлардан иборат. Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Н.Я.Артикова ўз тадқиқот ишида жисмоний шахснинг умумлашган йиллик даромадининг ташкил топишига алоҳида тўхталиб ўтган (2-расм).

Жисмоний шахснинг умумлашган йиллик даромадининг ташкил топиши Н.Я.Артикова томонидан тадқиқ этилган фикр ва мулоҳазаларга таянган ҳолда жисмоний шахсларнинг товарларни сотишдан келган даромади улар томонидан амалга оширилган тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромади таркибига киритилиши, шу билан бирга мол-мулкдан келадиган даромадлар таркибига фуқароларнинг ўзларига тегишли мулкларини сотиш ҳамда ўз интеллектуал мулкни ишлатиш натижасида оладиган даромадларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодчи олим У.С.Юлдашева томонидан аҳоли даромадлари шаклланиши структурасидаги устувор нисбатлар, меҳнат натижаси тақсмоти қонуни фаолиятида намоён бўлиши ҳали шаклланмаганлиги қайд этилган. Ўтиш давридаги тақсмот муносабатларидаги ўзгаришлар оқибатида аҳолининг умумий пул тушумларига нисбатан даромадлардаги меҳнат улушининг пасайиб кетиши маълум чекланган вақтга, йил ёки ярим йилга 10 фоиз атрофида ўзгариши мумкинлиги таъкидланган [6].

Тадқиқотлар натижасидаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда фикримизча аҳоли даромадлари дейилганда, уларнинг маълум вақт оралиғида одатда календарь йил давомида олган пул маблағлари ва

моддий неъматлари (бевосита меҳнат қилиш, мулкларини ишлатиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш натижасида олинадиган даромадлар) суммаси тушунилади.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида "Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур" [3] эканлигини таъкидлаганлари бежиз эмас.

Harley L.Lutz «The privilege of personal income taxation» мақоласида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджетидаги ўрни ва солиқ имтиёзларини ўрганган. Ушбу мақолада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан бериладиган имтиёзларнинг аҳоли даромадларини оширишдаги ўрни ўрганилиб, Harley L.Lutzнинг таъкидлашича, давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ташкил этиши лозим, шу билан бирга аҳоли даромадларини ошириш мақсадида солиқ имтиёзлари декларация асосида қўлланилиши кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида улар томонидан амалга оширилган ижтимоий харажатлар бўйича солиқ имтиёзлари берилиши лозимлигини эътироф этади [7].

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг оптимал шкаласини аниқлаш замонавий оптимал солиқ солиш назариясининг асосий масалаларидир. Унинг ривожланиш асоси 1971 йилда Нобел мукофоти лауреати Ж.Миррлиснинг мақоласида ўз ифодасини топган [8]. Ушбу мақолада у Ф.Рамсейнинг таҳлилий таърифини

умумлаштирди ва кенгайтди [9]. Шунингдек, бу соҳадаги кейинги тадқиқотларга асос бўлган математик моделни илгари сурди.

Миррлис моделининг даромад солиғига берган таърифида ҳукуматнинг мақсади сифатида жамият фаровонлигини максималлаштириш ётади. Ҳукуматнинг мақсади – солиқ шкаласи шундай танланиши керакки, умумий тушумнинг бир қисмини давлат ғазнасига йиғишдир.

Миррлис ишидан кейин чоп этилган Е.Садка мақоласида ҳайратда қолдирадиган даражада ва баҳсли натижаларни ифода этадиган фикр билдирилган [10]. Кейинчалик Н.Стерн ва Ж.Сид томонидан уларга мантикий тушунтириш берилди [11]. Бунда даромад шкаласининг энг юқори нуқтасида солиқ ставкаси нолга тенг бўлиши керак [12]. Шубҳасиз, ушбу шароитда солиқ шкаласини яратиш мумкин эмас. Шу маънода, Миррлис ва унинг издошлари ижтимоий фаровонлик бўйича солиқларнинг соддалаштириш таҳлилларини олиб боришган. Уларнинг ёндошувига кўра, жисмоний шахсларнинг даромадларини ошириш жараёнида солиқларни чизикли ва пропорционал шкалаларга ажратиш муҳимлигига урғу берилган. Шунингдек, даромад солиғининг табақаланиш тизимига Э.Шешинский алоҳида эътибор қаратган [13].

В.Н.Лапин томонидан олиб борилган тадқиқотларда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва унинг йиғилувчанлигини ошириш масаласи ўрганилиб, ушбу йўналишдаги ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этган [14].

Жумладан, муаллиф томонидан жисмоний шахсларнинг бир қанча даромадлари яширилиши, ҳужжатларда кўрсатилмаслиги, шартнома асосида бажарилмаслиги уларнинг даромадларини яширилиши билан бирга солиқ тушумларининг камайишига олиб келади – дея қайд этилиб, жисмоний шахслар томонидан уй-жойни шартнома қилмасдан беғараз, текинга бошқа шахсга

берилиши бу аниқ эмаслиги таъкидланади. Яъни, жисмоний шахс ўз уй-жойини текинга бердим - деб аслида маълум миқдордаги даромадни олаётган бўлиши мумкинлиги келтирилади.

Шунинг учун, муаллиф ўрганишлари асосида бир нечта таклифларни илгари суради. Хусусан, биринчидан, мазкур уй-жой текинга берилишидан қатъий назар беғараз бериш шартномаси қилиши лозимлигини ва ўша уй-жойда кимлар яшаши аниқ кўрсатилиши керак. Бир вақтнинг ўзида ички ишлар ходимлари томонидан шу уйда кимлар яшаётганлиги назорат қилиб борилиши лозим. Агар бошқа шахс яшаётган бўлса, зудлик билан солиқ органларига хабар қилиши керак. Иккинчидан, фуқаронинг ўзи on-line кўринишида мазкур уйда яшаётганларнинг ҳолати ҳақида солиқ ва ички ишлар органларига хабар бериб туриши керак. Агар иккала маълумот ва давлат органлари томонидан йиғилган маълумотлар бир-биридан фарқ қиладиган бўлса, бундай ҳолда фуқарога нисбатан энг юқори ставкада молиявий жарима қўллаш мақсадга мувофиқ.

Рус олими А.А. Аксенова Европа мамлакатларидан жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш масаласига тўхталиб, уларда солиқ ставкалари жудаям юқори эканлигини солиққа тортишнинг салбий томони сифатида келтириб ўтган бўлса, солиққа тортиладиган базани ҳисоблашда оилавий декларация топширилиши ҳамда бир қанча харажатлар солиқ солинадиган базани ҳисоблашда чегирилишини ижобий ҳолат сифатида қайд этади [15].

М.В. Пьянова жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортиш масаласида олиб борган тадқиқотларида мулкларни кадастр қийматидан келиб чиқиб, солиққа тортиш, жисмоний шахслар мол-мулк солиғини бюджетга кўпроқ тушишини таъминлаш билан бирга бу жисмоний шахсларга 10 баробардан кўпроқ солиқ оғирлигини келтириб чиқариб, даромад

солиғини ижтимоий функциясини йўққа чиқаради деган хулосага келган [16].

Илмий тадқиқотни амалга оширишда қиёсий ва тизимли таҳлил, индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Адабиётларни таҳлил қилишда Web of Science илмий маълумотлар базасидан фойдаланилган. Ўзбекистонда аҳоли

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигида асосий омиллардан бири аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлиши ҳисобланади. Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида келтириладиган амалий маълумотлар сифатида, аввало, аҳоли пул даромадлари таркиби ва динамикасининг таҳлилини амалга оширишни лозим топдик. Биз қуйида Ўзбекистон аҳолисининг даромадларидаги ўзгаришларни кўриб чиқамиз (1-жавдал). 1-жадвал маълумотларида қайд этилганидек, 2021 йилда аҳолининг умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан қарийб 2,2 баробар, аҳолининг жон бошига умумий даромади 2,0

даромадлари таркибининг ўзгариш тенденцияси тадқиқ этилиши ва даромад солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг иш ҳақи даражасининг динамикаси, даромад солиғи тўловчилар сони, солиқ миқдори ва уларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикасининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилган.

баробар, аҳоли реал умумий даромадлари 2,1 баробар ва аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари қарийб 2,0 баробар ўсган. Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда аҳолининг умумий даромадлари мунтазам ўсиш тенденциясига эга. Бунда энг юқори кўрсаткич 2018 йилда кузатилган бўлиб, мазкур йилда аҳоли умумий даромадларининг ўсиши 127,0 фоизга тенг бўлган.

Республикаимиз статистик маълумотларида аҳоли даромадларини акс эттиришда ўзига хослик мавжуд, яъни аҳоли умумий даромадлари таркиби бирламчи даромадлар ва трансфертларга бўлинади.

1-жадвал

2017-2021 йиллардаги аҳоли даромадларининг ўзгариши [21]

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм	236893,1	300842,7	365735,6	415085,0	515660,7
	Ўтган йилга нисбатан	119,7	127,0	121,6	113,5	124,2
2.	Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	7314,1	9128,6	10891,3	12125,6	14769,0
	Ўтган йилга нисбатан	117,7	124,8	119,3	111,3	121,8
3.	Аҳоли реал умумий даромадлари, млрд.сўм	216400,1	255971,0	319336,1	367559,6	465271,8
	Ўтган йилга нисбатан	109,3	108,1	106,1	100,5	112,1
4.	Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, минг сўм	6681,4	7767,0	9509,6	10737,3	13325,8
	Ўтган йилга нисбатан	107,5	106,2	104,2	98,6	109,9

Аҳоли умумий даромадларининг таркиби ўзгариши (фоизда) [21]

Кўрсаткичлар		2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Умумий даромадлар – жами		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
I.	Бирламчи даромадлар	80,6	77,5	76,2	75,4	73,6
1.1.	Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	77,4	74,6	73,5	73,3	71,5
1.1.1.	Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	74,3	71,9	70,5	71,1	68,2
1.1.2.	Шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	3,1	2,7	3,0	2,2	3,3
1.2.	Мол-мулкдан олинган даромадлар	4,1	3,1	2,9	2,7	2,1
II.	Трансфертлардан даромадлар	19,4	22,5	23,8	24,6	26,4

Бирламчи даромадларнинг ўзи ҳам ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларга ажратилади (2-жадвал).

Юқоридаги 2-жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда аҳоли даромадлари таркибида энг катта улушни меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар эгаллайди. Бунинг асосий сабаби, сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорининг доимий ошириб борилиши, иш билан банд бўлганлар сони йилдан йилга кўпайиб борганлигидадир. Таҳлил қилаётган давримизда жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда.

Таҳлил этилаётган давр ичида аҳоли даромадлари таркибида меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2017-2021 йилларда 6,1 фоизга камайган. Сўнгги йилда трансфертлардан даромадлар олдинги йиллардаги ҳолатга нисбатан кўпроқ ошганлиги билан ушбу ҳолатни изоҳлаш мумкин.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш нуқтаи назаридан ҳам таснифлаш мумкин. Бунда ҳар бир мамлакатнинг солиқ қонунчилигига мос равишда даромадлар таснифланади.

Республикамизда солиқ қонунчилиги жисмоний шахсларнинг даромадлари таркиби бўйича мукамал ишлаб чиқилган бўлиб, солиққа тортиш юзасидан жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибини қуйидаги расм маълумотлари асосида кўришимиз мумкин (3-расм).



3-расм. Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби [18].

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш сифатидаги даромадлар таркибига солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишламаган вақт учун ҳақ тўлашдан жисмоний шахс оладиган даромадлар ҳам киритилади.

Даромадлар турли манбалардан ташкил этилиши, уларнинг даромадларига нисбатан чегараланган солиқ муносабатларини жорий этилиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу борада шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи фақат бюджет даромадларини оширишга хизмат қилиш билан чегараланмаслиги, балки аҳоли кенг қатламларининг турмуш даражасини, улар даромадлари ҳамда тўлов қобилиятларини оширишга ҳам хизмат қилмоғи лозим.

Даромадларини солиққа тортиш жараёнининг жадаллашиши XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Даромад солиғи Буюк Британияда 1842 йилдан, Японияда 1887 йилдан, Германияда 1891 йилдан, АҚШда

1913 йилдан, Францияда 1914 йилдан жорий қилинган. Собиқ СССРда 1922 йил 16 ноябрдаги Декретга кўра даромад-мулк солиғи деган умумий ном билан жорий қилинган ва 1924 йилдан даромад солиғига айланттирилган ҳамда 1991 йилгача ишчи ва хизматчиларнинг маошидан табақалашган шкала бўйича ундирилган[19].

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларида салмоқли ўринни эгаллаб, у умумдавлат солиқлари таркибига киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади. Шунинг учун ушбу солиқ ҳар бир солиқ тўловчи субъект ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли республикада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони, улар учун ҳисобланган даромад солиғи ҳамда жисмоний шахслар томонидан тўланган даромад солиғи тушумлари динамикасини сўнгги беш йил якуни бўйича кўрадиган бўлсак, унда солиқ тўловчилар сони ва улар томонидан тўланган даромад солиғи мунтазам равишда кўпайиши кузатилганлигини кўришимиз мумкин, бу аҳоли даромадларининг мунтазам ошаётганлигидан далолат беради (3-жадвал).

Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони, уларга ҳисобланган даромад солиғи ва тўланган солиқ суммаси тўғрисида маълумот[20]

№	Йиллар	Даромад солиғи тўловчилар сони	Ҳисобланган даромад солиғи суммаси (млрд.сўм)	Тўланган даромад солиғи суммаси (млрд.сўм)	Ҳар бир солиқ тўловчига тўғри келадиган ўртача сумма (минг.сўм)
1	2012 йил	4 075 581	2 221,4	2 301,8	564,7
2	2013 йил	4 128 826	2 687,8	2 717,3	658,1
3	2014 йил	4 346 117	3 104,2	3 261,7	750,5
4	2015 йил	4 325 835	3 534,8	3 800,7	878,6
5	2016 йил	4 394 285	3 835,4	4 137,4	941,5
6	2017 йил	4 408 860	4 648,3	4 876,4	1106,0
7	2018 йил	4 545 217	5 392,0	6 422,7	1413,1
8	2019 йил	4 686 237	13 170,9	13327,5	2844,0
9	2020 йил	4 422 924	14 415,2	15140,8	3423,3
10	2021 йил	4 695 913	17 548,2	18 918,0 [22]	4028,6

Юқоридаги 3-жадвал маълумотларига кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ислохотлар таъсирида янги иш ўринлари яратилиши натижасида сўнгги йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчилар сони доимий равишда ортиш тенденциясига эга. Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, солиқ тўловчилар сонидан катта ўзгариш бўлмастан туриб солиқ тушумлари 2019 йилдан эътиборан кескин равишда яъни 2018 йилдагига нисбатан 2 баробардан ортиқ ошиб кетган. Шунингдек, тушумлар 2020 ва 2021 йилларда ҳам барқарор равишда ўсиш кўрсаткичига эга. Ушбу ҳолатни мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилган солиқ сиёсати концепциясига асосан 2019 йилдан бошлаб прогрессив шакаладан воз кечилиб, ягона 12 фоизлик солиқ ставкасини амалиётга қўллаш

натижасида шаклланганлиги билан асослаш мумкин.

Солиқ тўловчилар сони ортиб боришига тўғри пропорционал равишда уларга ҳисобланган даромад солиғи ҳам ортиш кўрсаткичига эга. Шу билан бирга жисмоний шахслар томонидан тўланган даромад солиғи ҳар йили уларга ҳисобланган даромад солиғига нисбатан ортиқ ундирилган, яъни ҳисобланган даромад солиғи суммасига нисбатан тўланган даромад солиғи суммаси 2021 йилнинг ўзидан 1 369,8 млрд.сўмга фарқ қилган.

Жисмоний шахслар томонидан тўланган даромад солиғи суммаси ҳисобланган даромад солиғи суммасидан ортиқча ундирилишининг сабаби қуйидагича:

биринчидан, жисмоний шахсларнинг турар ҳамда нотурар мулкларини норасмий ижарага бериши ёки бино-иншоотларнинг сотилиши, фаолият кўрсатаётган норасмий ишчи ва хизматчиларнинг ноқонуний даромад

олиши (аксарият ҳолларда қурилиш ва умумий овқатланиш соҳаси)ни қонунийлаштириш натижасида солиқ қарзларининг қисқартирилиши;

иккинчидан, жисмоний шахслар томонидан декларация топширилиши натижасида қўшимча аниқланган суммалар ундирилиши билан изоҳлаш мумкин.

Ҳар бир солиқ тўловчига тўғри келадиган ўртача солиқ суммасига эътибор қаратадиган бўлсак, йиллар

давомида тўланган даромад солиғи миқдори кўпайиш тенденциясига эга ушбу ҳолатни жисмоний шахсларга тўланадиган иш ҳақининг миқдори йилдан-йилга кўпайиши ҳамда даромад солиғининг ставкаси кўпроқ даромадга нисбатан юқори солиқ ставкаси қўлланилиши билан асослаш мумкин.

Қуйидаги 4-жадвал маълумотлари асосида мамлакатимизда даромад солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг иш ҳақи даражасини кўришимиз мумкин.

4-жадвал

Ўзбекистонда даромад солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг иш ҳақи даражаси динамикаси[25]

Т/г	Иш ҳақи миқдори	2020 йил май		2021 йил май	
		сони	улуши	сони	улуши
1	1 млн. сўмгача	1 772,5	42,6%	1 778,0	38,3%
2	1 млн. сўмдан 2 млн. сўмгача	1 066,4	25,6%	1 117,8	24,0%
3	2 млн. сўмдан 4 млн. сўмгача	887,9	21,3%	1 072,6	23,1%
4	4 млн. сўмдан 5,5 млн. сўмгача	194,8	4,7%	293,0	6,3%
5	5,5 млн. сўм ва ундан юқори	239,6	5,8%	386,5	8,3%
	Жами:	4 161,3		4 647,9	

Юқоридаги 4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2021 йил май ойи ҳолатига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчилар сони 4 647,9 минг нафарни ташкил қилган. Ваҳоланки, статистик маълумотларга кўра мамлакатимизда истиқомад қилувчи 35 миллиондан ортиқ аҳолининг 19345,2 [26] нафардан ортиғи умумий меҳнат ресурси ҳисобланиб, шундан иқтисодий фаол аҳоли сони 14980,7 [26] нафарни ташкил қилмоқда. Эътибор қаратадиган бўлсак, даромад солиғини тўловчи жисмоний шахслар барча меҳнат ресурсининг атиги 24 фоизини, иқтисодий фаол аҳолининг 31 фоизини ташкил этади. Меҳнат ресурслари таркибига кирувчи даромад солиғини тўловчи бўлмаган аҳоли таркибини уй хўжалигида банд (деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа шу каби фаолиятлар билан банд) бўлганлар, норасмий равишда хорижий мамлакатлар

(Россия Федерацияси, Қозоғистон ва б.)да меҳнат фаолиятини олиб боровчилар, тадбиркорлик субъектлари билан норасмий равишда шартнома қилиб фаолият кўрсатувчи ҳамда расмий равишда ишсиз аҳоли таркиби билан асослаш мумкин.

Ушбу ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди сабаби ҳар қанда манбадан даромад олувчи шахс борки уларнинг ҳисоби юритилиши лозим.

Юқоридаги 4-жадвал маълумотлари асосида даромад солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг иш ҳақи таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, 2021 йил май ойидаг ҳолат бўйича 1 млн. сўмгача иш ҳақи ҳисобланган шахслар 38,3 фоизни, 1 млн. сўмдан 2 млн. сўмгача иш ҳақи ҳисобланган шахслар 24,0 фоизни, 2 млн. сўмдан 4 млн. сўмгача иш ҳақи ҳисобланган шахслар 23,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 4 млн. сўмдан юқори иш ҳақи ҳисобланган

жисмионий шахслар атиги 14,6 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу ҳолатдан англаш мумкинки, мамлакатимизда аҳолининг расмий равишда меҳнат шартномаси асосидаги даромадлилик даражаси қувонарли даражада эмас. Демак, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида иш ўринларини янада кенгайтириш ва уларни муносиб иш ҳақлари билан таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек жисмионий шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш қамровини кенгайтириш яъни солиққа тортилмаётган даромад манбаларини аниқлаш ва тўлиқ бюджетга ундириш муҳим масала ҳисобланади.

Жисмионий шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортиш борасида кўплаб олимлар тадқиот олиб борган бўлсада, бу борада бугунги кунда кўплаб муаммолар сақланиб қолинмоқда. Шу боисдан мазкур муаммоларни бартараф этиш ва мулкӣ даромадларни солиққа тортишнинг амалдаги тартибини янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигига асосан ўттиз олти календар ойдан кам муддатда солиқ тўловчининг мулкида бўлган турар жойларни сотиш (реализация қилиш) натижасида оладиган даромадлари даромад солиғига тортилади [18]. Бунда даромад солиғининг солиққа тортиладиган базаси турар жой яъни

жисмионий шахсга тегишли бўлган мол-мулкнинг кадастр қиймати билан уни сотиш баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ орқали аниқланади. Бугунги кунда жисмионий шахслар турар жойларини сотиш натижасидаги даромадларидан солиқ тўлашдан қочиш мақсадида қонунчиликни бузмаган ҳолда мулкнинг кадастр баҳоси ва сотиш баҳоси ўртасидаги нархни тенг ёки кадастр баҳосидан паст нархда сотишни расмийлаштириш ҳолатлари кузатилмоқда (3-жадвал). Бу еса, турли хил шароитда уй-жойини сотишга тўғри келаётган фуқароларга қийинчилик туғдириши билан бирга адолатлилик принципига мос келмайди. Олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, кўпчилик фуқаролар мазкур меъёр нотўғри еканлигидан норози бўлиш билан бирга, ушбу қондан четлаб ўтиш йўлларини ҳам излаб топмоқдалар:

- уй-жой қийматини жудаям паст нархда шартномада кўрсатиш;
- олди-сотдини ҳақиқатда ўттиз олти календар ойдан кам муддатда амалга ошириб, шартномани расмийлаштиришни ушбу муддатдан кейин амалга ошириш ва ҳ.к.

Қуйидаги 5-жадвал маълумотлари асосида Республика миқёсида жисмионий шахслар томонидан кўчмас мулкларни аввал сотиб олинган нархи ёки инвентар баҳосига тенг ёхуд манфӣ фарқ билан сотиш ҳолатларини кўришимиз мумкин.

5- жадвал

Жисмионий шахслар томонидан кўчмас мулкларни аввал сотиб олинган нархи ёки кадастр баҳосига тенг ёхуд манфӣ фарқ билан сотиш ҳолатлари тўғрисида маълумот [23]

№	Худудлар	2021 йил	Таклиф этилаётган минимал миқдор (сўм)	2022 йил учун (млн.сўм)	2022 йил учун қўшимча ҳисобланадиган солиқ миқдори (млн.сўм)
1	Қорақалпоғистон Рес.	371	100000	1855,0	222,6
2	Андижон вилояти	6704	100000	33520,0	4022,4
3	Бухоро вилояти	1400	100000	7000,0	840

4	Жиззах вилояти	1499	100000	7495,0	899,4
5	Қашқадарё вилояти	2754	100000	13770,0	1652,4
6	Навоий вилояти	2660	100000	13300,0	1596
7	Наманган вилояти	2184	100000	10920,0	1310,4
8	Самарқанд вилояти	3587	100000	17935,0	2152,2
9	Сурхондарё вилояти	2536	100000	12680,0	1521,6
10	Сирдарё вилояти	1251	100000	6255,0	750,6
11	Тошкент вилояти	4896	100000	24480,0	2937,6
12	Фарғона вилояти	5995	100000	29975,0	3597
13	Хоразм вилояти	649	100000	3245,0	389,4
14	Тошкент шаҳар	11382	200000	113820,0	13658,4
	Республика жами	47 868		296 250,0	35 550,0

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг маълумотларига кўра, Республика миқёсида жисмоний шахслар томонидан кўчмас мулкларни аввал сотиб олинган нархи ёки кадастр баҳосига тенг ёки манфий фарқ билан яъни солиққа тортиладиган даромадларни кўрсатмасдан (яшириб) сотиш ҳолатлари сони 2021 йилда 47868 тани ташкил етган. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан сотиладиган мулкларнинг егаллаган майдонига нисбатан (мулкларни ижарага бериш бўйича қўлланиладиган меъёрлар сингари) жойлашган жойи бўйича энг кам меъёрлар белгилаш таклифи ишлаб чиқилди. Таклиф етилатган энг кам меъёрлар қўлланилишида сотиладиган кўчмас мулкларнинг егаллаган умумий майдони инobatга олинishi ва ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида ҳар бир метр квадрат учун 200 000 сўм вилоятларда еса 100 000 сўм белгиланиши ва тажриба сифатида амалиётга жорий етилиши ижобий натижа беради деган фикрдамиз.

Мазкур меъёрларнинг қўлланилиши натижасида 2022 йил учун ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак бюджетга 35 550,0 (296 250 x 12 %) млн.сўм кўшимча маблағлар ундирилишига

еришилади. Бундай меъёрларнинг амалиётга татбиқ етилиши солиқ солинадиган база (даромад)ни кўрсатмасдан, яъни, яшириш ҳолатларининг олдини олади.

Хулоса. Мамлакатимизда амалга оширилатган ислохотларга мос равишда солиқ тизимида чуқур ўйланган чоратadbирлар, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджет-солиқ муносабатларининг кичик тизими сифатида, хусусан, уларнинг даромадларидан бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган фондини ташкил этиш учун давлат бюджетига олиб қўйиш жараёнида юзага келган муносабатларни ўзида акс эттиради. Шу туфайли, даромад солиғини тўловчи жисмоний шахслар ҳисобининг юритилиши, уларнинг ҳар қандай манбадан олинадиган даромадларини тўлиқ солиққа тортилишини таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда декларациялаш амалиётини босқичма-босқич қўлланиши мамлакатда яширин иқтисодиётга, пул маблағларининг ноқонуний айланишига, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодиёт

соҳасидаги бошқа жиноятларнинг вужудга келиши ва унинг олдини олишга хизмат қилади.

- мамлакатимиз аҳолиси таркиби ва уларнинг таркибида фаол аҳоли улуши, аҳолининг даромадлари таркиби, солиқ тўловчи жисмоний шахслар сони ва бунинг таркибида солиқ идораларига декларация такдим этган жисмоний шахслар сони, улар томонидан тўланган даромад солиғи миқдорини ўрганар эканмиз, таҳлиллар натижасида бугунги кунда жисмоний шахсларнинг солиққа тортилмай қолиб кетаётган даромадлари ҳам таркибан кўп эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу даромадларни солиққа тортишни такомиллаштириш муҳим аҳамиятли масалалардан бири ҳисобланади;

- жисмоний шахслар томонидан мулкда бўлган турар жойларни сотиш натижасида олинadиган даромадларни солиққа тортишда сотиладиган мулкларнинг егаллаган майдонига нисбатан (мулкларни ижарага бериш бўйича қўлланиладиган меъёрлар сингари) жойлашган жойи бўйича энг кам меъёрлар белгилаш масадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишига эришилади, натижада бюджет даромадлари барқарорлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи. 2022 йил 28 январь.
2. Ш.М.Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” Тошкент - “Ўзбекистон” – 2017 й 126 ва 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. 29-бет.
4. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. –Т.: «Меҳнат», 1998. - 16 б.
5. Н.Я.Артикова “Даромадларни солиққа тортиш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш” иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Тошкент-2004. 67-бет.
6. У.С.Юлдашева “Иқтисодиётнинг трансформацияланиши жараёнида аҳоли даромадларининг шаклланиши ва тақсимланиши” иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Тошкент-2001. 67-бет.
7. Harley L. Lutz «The privilege of personal income taxation». Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 23, No. 1 (October, 1937), pp. 11-22. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/41786912>.
8. Mirrlees J.A. An Exploration in the Theory of Optimum Income Taxation. Review of Economic Studies. 1971. No. 38. P. 175-208.
9. Ramsey F.A. Contribution to the Theory of Taxation // Economic Journal. 1927. No. 37. P. 47-61.
10. Sadka E. On Income Distribution, Incentive Effects, and Optimal Income Taxation// Review of Economic Studies. Vol. 43. P 261-268, 1976.
11. Stern N.H. On the Specification of Models of Optimum Income Taxation// Journal of Public Economics. 1976. Vol. 6. P. 123-162



12. Seade J. On the Shape of Optimal Tax Schedules// Journal of Public Economics. 1977. Vol. 7. P. 203-236.
13. Sheshinski E. The Optimal Linear Income Tax// Review of Economic Studies. 1972. Vol. 39. P. 297-302.
14. В.Н. Лапин. "Налог на доходы физических лиц и пути повышения его собираемости". Вестник. 2008. №2(21). 88-90 стр.
15. А.А. Аксенова "Налог на доходы физических лиц": европейская практика администрирования налога. Интернет-журнал "Науковедение". Выпуск 3, май – июнь 2014.
16. М.В. Пьянова "Льготы по налогу на имущество физических лиц как инструмент реализации социальной функции налога". Финансовая аналитика: проблемы и решения. 16 (2016) 44-52.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги "Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги 47-сон қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т.: Адолат 2021 й.
19. Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедияси (Д ҳарфи) 207-бет.
20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (https://mf.uz/uz/?option=com_content&view=article&id=40) маълумотлари.
21. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (www.stat.uz) маълумотлари.
22. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (<https://soliq.uz/page/asosiy-korsatkichlar>) маълумотлари асосида диссертант томонидан тайёрланган.
23. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (www.soliq.uz) маълумотлари.
24. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/aholi-daromadlari-uz/>
25. https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/fuqarolarning_daromadlari_oshdi
26. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>) маълумотлари.